

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 3 октябрь, № 205 (7435) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВАЛЕНТИНА МАТВИЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Валентина Матвиенкони Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси раиси лавозимига қайта сайланганини билан табриклади ҳамда ушбу масъулиятли фаолиятида муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари бугун юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар, Россия Президентининг ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимизнинг кенг кўламли ҳамкорлигини кенгайтиришга кучли суръат бағишлаб, уни аниқ мазмун билан бойитди.

Валентина Матвиенко, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Россия парламенти делегациясининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қатъий интилаётганининг навбатдаги тасдиғи экани таъкидланди.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Халқаро парламентлараро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Федерация Кенгаши Раиси кўп қиррали Ўзбекистон — Россия муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида парламентлараро алоқаларни изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Валентина Матвиенко жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни йўл хўжалигини ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда жами юкларнинг 98 фоизи ва йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль йўллари орқали ташилади. Кейинги йилларда юртимиз экспортида тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бормоқда. Келгусида уни янада ошириш режалаштирилган. Товарларни манзилга тез ва сифатли етказиш учун эса ривожланган йўл инфратузилмаси керак.

Йиғилишда ушбу соҳани ривожлантириш, қурилиш лойиҳаларини барқарор молиявий манба билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Автомобиль йўлларини қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий шерикларни фаол жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, халқаро ва давлат аҳамиятига молик 1 600 километрлик йўлларга доир 18 та йирик лойиҳани шундай ҳамкорлик асосида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички йўлларни таъмирлашда ҳудудларнинг иштироки сезилмаётгани қайд этилди. Молия вазирлигига республика бюджетидан фақат умумий фойдаланишдаги йўлларга, ички йўлларга эса маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тартибини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатларда йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик яхши ривожлангани қайд этилди. Йўл бўйи инфратузилма объектларини бериш орқали лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида йўл бўйи объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Реклама қурилмаларини умумий фойдаланишдаги йўлларга жойлаштириш учун рухсат бериш ваколатини Автомобиль йўллари қўмитасига ўтказиш таклиф этилди.

Умуман, автомобиль йўллари соҳасини тубдан ислоҳ қилиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиб, 2020 — 2030 йилларда Автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу стратегияда, аввало, автомобиль йўлларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари белгиланади.

Ҳозирги пайтда Автомобиль йўллари қўмитасида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи, ҳам эксплуатация қилиш функциялари тўпланиб қолгани оқибатида тизимдаги корхоналар халқаро лойиҳаларда иштирок эта олмаяпти. Шу боис, қурилиш ташкилотларини қўмита таркибидан чиқариб, улар негизида "Ўзавтойўл" акциядорлик компанияси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, хусусий шериклар иштирокида тезкор автобанлар қуришга катта эътибор қаратилади.

**(Давоми 2-бетда).**

## Эксклюзив интервью

Валентина МАТВИЕНКО:

# СЎНГГИ УЧ ЙИЛДА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА БАРЧА СОҲАДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЖАДАЛЛИК КАСБ ЭТМОҚДА

**Айни пайтда мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко Олий Мажлиснинг иккала палатаси раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди. Федерация Кенгаши Раиси парламентлараро ҳамкорлик муносабатлари ривожи хусусида ОАВ вакилларига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Ўзбекистон ва Россия ўзаро ишончга асосланган муносабатларга эга. Россия учун Ўзбекистон ишончли иттифоқчи ва стратегик ҳамкор мамлакатдир. Қолаверса, сўнгги уч йилда мамлакатларимиз ўртасида барча соҳадаги ўзаро муносабатлар жадаллик касб этмоқда. Жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар, парламентларимиз, ҳукуматларимиз, фуқаролик жамиятларимиз ўртасида ўрнатилган ўзаро мулоқотлар изчиллик билан ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончли муносабатлари ва саъй-ҳаракатлари туфайли бу муваффақиятларга эришилди.

Глобаллашув жараёнларида ҳеч бир давлат якка ҳолда муваффақиятга эриша олмайди. Мамлакатлар ўзаро манфаатларидан келиб чиққан ҳолда саъй-ҳаракатларини бирлаштириши лозим. Шу мақсадда ҳудудлараро форматда эришилган келишувлар борасидаги ишларни кучайтиришимиз лозим. 2018 йилда мамлакатимиз Президенти Владимир Путиннинг расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида I Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтган эди. Айни пайтда 2020 йил февраль ойида бўлиб ўтиши кутилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифига тайёргарлик кўрилмоқда.

➔ 2

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон — Россия:

# Парламентлараро алоқалар тобора ривожланмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоиловнинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан учрашувлари бўлиб ўтди.*

Валентина Матвиенко дастлаб Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Шундан сўнг томонлар ўртасида музокаралар бошланди. Уларда икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга катта аҳамият қаратаётгани алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатлар суръати ошяпти. Кейинги вақтда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро мулоқот фаоллашмоқда.

➔ 2

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ОДИМЛАРИ

## «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ НУФУЗИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

***Туркий тилли давлатларни азалдан ўхшаш маданият, маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб туради. Бу мамлакатлар долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш, ёндашувларга амал қилади. Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан, таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.***



*Бунда юртимизда кейинги уч йил ичида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, очиқ ва амалий ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият тубдан ўзгаргани, минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар янада мустаҳкамланаётгани ҳам муҳим туртки вазифасини бажараётир.*

*Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши халқаро ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, фаолиятининг асоси туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган.*

*Ушбу тузилмага Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ҳамда Қозоғистон аъзо ҳисобланар эди. Жорий йилнинг 14 сентябрида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон халқаро тузилманинг бешинчи аъзо давлати бўлиб қўшилди.*

***"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ушбу Кенгашга аъзо мамлакатларнинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:***

1. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини Сизнинг мамлакатингиз жамоатчилиги қандай кутиб олди?
2. Ўзбекистоннинг бу қадами Кенгаш фаолиятига қай даражада таъсир этади?

➔ 3

## Фахр

# Жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчисига Президент совғаси топширилди

*"Ўзбек", "Ўзбекистон" деган сўзлар дунё саҳнасида янграганда барчамизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Бундай эътирофга эришиш ортида эса қанча меҳнат, заҳмат ва жасорат ётишини ҳаммамиз яхши англаймиз. Айниқса, бугунги глобаллашаётган дунёда ҳамжамиятни қойил қолдириш, тан олдириш жуда мураккаб вазифа саналади. Шундай бир шароитда боксчиларимизнинг жаҳонда тенгсиз дея тан олиниши миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очди.*

Хусусан, энг оғир вазнда рингга кўтарилган, Алпомишлар юрти — сурхон фарзанди, олтин медаль соҳиби Баҳодир Жалолов ҳам чемпион, ҳам чемпионатнинг "Энг яхши боксчиси" деган эътирофга сазовор бўлгани ўзбек ёшларининг кучли иқтидор соҳиблари бўлиб етишаётганидан дарак беради.

➔ 2

АҚШ жамоатчилиги:

# «ЎЗБЕКИСТОН ТАСАВВУРГА СИҒМАС ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРЯПТИ»

**Яқинда Вашингтон шаҳридаги Рональд Рейган номидаги Халқаро савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.**

## Эътироф

Унда АҚШ Конгресси, Оқ уй, Хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Мудофаа, Қишлоқ хўжалиги, Савдо вазирликлари, Ғазначилик, Савдо ваколатхонаси офиси, Эксимбанк, Миссисипи штати Миллий гвардияси, мезбон давлат ва Канаданинг йирик компаниялари, экспертлик, жамоатчилик ва илм-фан, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Юртимиз номидан Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов раҳбарлигида АҚШга ташриф буюрган делегация қатнашди.

ТИВ раҳбари меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, уларнинг натижалари, АҚШ билан ҳар томонлама ҳамкорлик ривожининг ҳолати ва келгусида икки давлат стратегик шериклигини илгари суриш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари Лиза Кёртис ўз мамлакати ҳукумати номидан Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги билан муборакбод этар экан, Тошкент ва Вашингтон ўртасида ўзаро дўстлик ҳамда стратегик алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим натижаларга эришилганини таъкидлади.

➔ 2

**Лиза КЁРТИС,**
**АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари:**



**— Охирги уч йилда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида улкан ўзгаришлар кузатиляпти. Биз янада очилиб бораётган иқтисодиёт, ўзбек халқи фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсий ислоҳотларни ўтказиш бўйича ташаббуслар илгари сурилаётганига гувоҳмиз. АҚШ мамлакатдаги ислоҳотчилик саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қатъий содиқ эканлигини билдирди. Биз Ўзбекистон технологик салоҳиятини мустаҳкамлаш, ЖСТга киришдан бошлаб инглиз тилини ўқитиш тизимини такомиллаштиришгача бўлган профессионал кўникмаларни ривожлантириш ва бошқа кўплаб масалаларга йўналтирилган молиявий-техник кўмак бериш дастурини кучайтирмоқдамиз.**

# ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари йўллар сифатини ошириш ишларини лойиҳалаштиришдан бошлаш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун лойиҳа ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатма берилди.

Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда автомобиль йўллари қурилиши соҳасида қўшма лойиҳа институтини ташкил этиш, юртимиз иклими ва қатнов хусусиятларини ҳисобга олиб, йўл қурилиши соҳасидаги норматив ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Масалан, мамлакатимизда йўл қуришда ҳанузгача, асосан, асфальт-бетон ишлатилади. Бундай йўлларнинг хизмат муддати 10 — 15 йил бўлиб, 4-5 йилдаёқ таъмирталаб аҳволга келиб қолади. Цемент-бетон қопламали йўлларни қуриш 15 — 20 фоизга қиммат бўлса-да, эксплуатация муддати 2-3 баробар кўп ва сақлаш харажатлари 3 баробар кам.

Юртимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми ортаётганини инобатга олиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган давлат аҳамиятига молик йўлларни босқичма-босқич цемент-бетон қопламага ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Яна бир муаммо йўлларни мониторинг қилиш бўйича автоматлашган тизим йўқлигидир. Қайси йўлдан қанча оғирликдаги юк ташиш мумкинлиги ҳаммага маълум эмас. Меъёрдан ортиқ оғирликда юк ташувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати назорат қилинмаяпти.

Шу боис йиғилишда барча йўлларнинг электрон базасини шакллантириш, махсус автоматлашган ўлчаш воситаларини ўрнатиш бўйича дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, йўл бўйи инфратузилмасини халқаро андозалар асосида лойиҳалаштириш, халқаро йўлларда сифатли сервисни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қатор кўприклар таъмирталаб, айримлари умуман эгасиз экани танқид қилиниб, барча кўприкларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, соҳадаги институтларни йирик лойиҳаларга бириктириш, улар доирасида илмий ходимлар учун синов майдонлари ва тадқиқот лабораторияларини ташкил қилиш, иқтидорли талабаларнинг хорижда малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

Валентина МАТВИЕНКО:

# СЎНГГИ УЧ ЙИЛДА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА БАРЧА СОҲАДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЖАДАЛЛИК КАСБ ЭТМОҚДА

1

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кўплаб соҳаларда, хусусан, парламентнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон — Россия парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Олий Мажлиснинг МДҲ Парламентлараро Ассамблеясидаги иштирокини қайта тиклаш бўйича қабул қилган қарори давлат мақоми ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ташриф давомида Олий Мажлис палаталарида дўстона музокаралар бўлиб ўтди. Ҳамкасбларимиз билан икки давлат раҳбарлари даражасида эришилган келишувларнинг амалга оширилишида Россия ва Ўзбекистон парламентлари ролини кучайтириш масалаларини муҳокам қилдик. Икки мамлакат парламентларининг қуйи палаталари йўналишида фаол ўзаро ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бундан аввалроқ Ўзбекистонга Россия Федерацияси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин ташриф буюрганди.

Олий Мажлис Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссияси фаолиятидан тўлиқ қаноатланаман. Унинг тўртинчи йиғилишида ўтказилган мазмунли мулоқот чоғида аниқ қарор ва истиқболдаги режалар кўриб чиқилди. Олий Мажлис Сенати Раиси билан келгуси йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар режасини муҳокама қилишга келишиб олдик. Ўзбекистон парламенти аъзолари билан ҳамкорликда бугунги тинчлик ва осойишталик учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасига ёшларнинг эҳтиром билан ёндашишлари учун уларни кўпроқ жалб қилишга йўналтирилган тадбирлар ташкил қилишни мўлжаллаяпмиз.

Шу билан бирга, икки мамлакат ҳудудлараро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон — Россия Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Ўзбек тадбиркорлари вакилларининг Россия ҳудудларига, россияликларнинг Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама фойдали лойиҳаларнинг амалга ошишига хизмат қилмоқда. Транспорт хавфсизлиги соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистондан Россия Федерациясига етказиб бериладиган маҳсулотларни қабул қилишни тезлаштириш тадбирлари режаси, хусусан, божхона ҳужжатларини расмийлаштиришни соддалаштириш борасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Бу эса Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, икки мамлакат парламентларининг роли ва таъсири ошиб бормоқда. Палаталар раҳбарлари ва ихтисослашган қўмиталар йўналиши бўйича алоқаларни янада жадаллаштиришни мўлжаллаяпмиз. Эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Девони ўртасида имзоланган меморандумни алоҳида қайд этмоқчиман. Демак, биз илмий-эксперт салоҳиятимизга, парламент ташкилотлари ўртасидаги ўзаро тажриба алмашинувларга, қонунчиликдаги тажрибамизга, МДҲ Парламентлараро Ассамблеясидаги ишланмаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим.

**Юнус БЎРОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

АҚШ жамоатчилиги:

# «ЎЗБЕКИСТОН ТАСАВВУРГА СИҒМАС ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРЯПТИ»

1

Ўзбекистоннинг конструктив минтақавий сиёсатида эришган муваффақиятларига алоҳида урғу берилди. Зеро, бунинг натижасида савдо ҳажмлари сезиларли ўсди. Оқ уй вакили ўзбек — қирғиз чегараси ўтказиш пункти орқали ўтаётган транспорт воситалари сони охирги йилда кунига 200 тадан 4 мингтагача кўпайганини бунга мисол қилиб келтирган.

Ўзбекистоннинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирилди.

"Афғонистондаги қарама-қаршиликни тинчлик йўли билан ҳал этиш мамлакатларимиз учун ўта муҳим мақсаддир", дейди Оқ уй расмий вакили.

Лиза Кёртис Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевга АҚШнинг Афғонистондаги можаронинг тинч ечимини топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани учун шахсан миннатдорлик билдирганини ҳам айтиб ўтди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонга губернатор Фил Брайант бошчилигидаги Миссисипи делегациясининг ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш имконини берганини таъкидлади. Қолаверса, АҚШ савдо вазири Уилбор Росснинг Ўзбекистонда бўлиши ўзаро савдо ҳамда ишбилармонлик алоқалари салоҳияти билан бевосита танишиш имкониятини тақдим этди.

У хулоса ўрнида хоҳ иқтисодиёт, хоҳ терроризмга қарши курашиш, хоҳ минтақавий хавфсизлик ёки инсон ҳуқуқларини яхшилаш бўлсин, АҚШ яқин кунлар ва йилларда икки томонлама стратегик шерикликни давом эттириш ҳамда чуқурлаштиришни сабрсизлик билан кутаётганини айтди.

Тадбир доирасида АҚШнинг икки нафар нуфузли ижтимоий-сиёсий ва илм-фан намояндасига "Дўстлик" орденларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ўзбекистон Президенти топшириғи билан Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги улкан хизматлари, парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш, ўзбек парламентчилигининг қонун ижодкорлиги борасидаги салоҳиятини янада оширишга қўшган ҳиссаси, АҚШ Конгрессида "Ўзбекистон бўйича Кокус" — дўстлик гуруҳини ташкил этиш ва барқарор ишлашини таъминлаш, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш йўлидаги самарали фаолияти, шунингдек, мамлакатимиз тарихи ва маданияти, сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижалари тўғрисида жаҳон жамоатчилигини хабардор этиб бораётгани учун АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлига юксак мукофотни топширди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда янада ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида қатор фундаментал илмий асарлар яратишга қўшган салмоқли ҳиссаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда кўлами ҳақида халқаро ҳамжамиятни кенг хабардор этишдаги самарали фаолияти учун Ж. Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр ҳам "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Конгресс аъзоси Трент Келли Ўзбекистон раҳбариятига мана шундай юксак мукофот учун миннатдорлик билдирди. У ушбу мукофот катта масъулият эканлиги ва АҚШ — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш йўлида янги ташаббуслар ҳамда конструктив саъй-ҳаракатлар сари илҳомлантиришини қайд этди.

**Фредерик СТАРР,**
**Ж. Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари:**



— Ўзбекистон узоққа борадиган ва кўп қиррали характерга эга, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва социал ҳаётига дахлдор бўлган тасаввурга сиғмас ислоҳотлар даврини бошдан кечиряпти. Биз рўй бераётган ҳодисаларни нафақат кузатиб боришимиз, балки ушбу жараёнларни фаол қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Америкалик қонун ижодкори икки томонлама муносабатлар суръатларидан жуда мамнун эканлигини таъкидлаб, "Кокус" ҳамраиси, Техас штатилик конгрессмен Висенте Гонсалез билан АҚШ Конгресси томонидан мустақилликни қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни янада ривожлантириш бўйича махсус Резолюция қабул қилинишини илгари сураётганини билдирди.

Ф. Старр ҳам Президент Шавкат Мирзиёевга уни "Дўстлик" ордени билан мукофотлагани учун миннатдорлик изҳор қилди. Бу катта шараф ва мамлакат раҳбари ҳамда халқи томонидан билдирилган юксак ишонч эканлигини эътироф этди.

Тадбирда, шунингдек, Колумбия округи давлат котиби Кимберли Бассет сўзга чиқиб, Вашингтон шаҳар мэри Мюрел Боусернинг табрик сўзини ўқиб эшиттирди.

"Вашингтон шаҳри мэри сифатида қабул иштирокчиларини табриклаш ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган йили Вашингтон мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашда асосий роль ўйнаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни табриклаган эди. Зеро, бу умумий қиймати 5 млрд. долларлик шартномалар имзолаш, икки томонлама товар айланмасини икки баробар ошириш, Ўзбекистонга америкалик туристлар оқимини 60 фоиз оширишга олиб келди", дейилади жумладан унда.

Маросимда Американинг "Boeing" компанияси халқаро операциялар бўйича директори ва Америка — Ўзбекистон савдо уйи молиявий директори Брайн Лопп, "Honeywell" компаниясининг Туркия ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича президенти Франс ванн Дюрсен ҳамда Канаданинг "B2gold" тоғ-кон компанияси вице-президенти Нил Ридер ҳам сўзга чиқди. Улар Ўзбекистонда давлат раҳбари томонидан барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, монополияни қисқартириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, инвесторлар ва бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Зотан, бу АҚШ компаниялари билан ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш, сармоядорларга давлат тимсолида ишончли шерикка эга бўлиш имконини беради.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон — Россия:

# Парламентлараро алоқалар тобора ривожланмоқда

1

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича комиссия муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Томонлар комиссиянинг ўтган даврдаги самарали фаолияти якунларига ижобий баҳо берди. Ҳозирги вақтда ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантиришда Парламентлараро комиссиянинг ролини ошириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилаётир.

Ўзбекистонда жорий йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган парламент сайловлари ҳақида маълумот берилиб, Федерация Кенгаши ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси вакилларига халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этиш таклифи билдирилди.

Учрашувларда, шунингдек, давлат раҳбарлари саммитида эришилган келишувларни амалга оширишда парламент ресурсларидан самарали фойдаланиш, икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий базани фаол шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, делегация аъзоларига мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, сўнгги пайтларда юртимизда жамиятда аёллар ролини ошириш борасида диққатга молик ишлар қилинаётгани, бу борада парламент аъзоларининг иштироки хусусида тўхталиб ўтилди. Депутатликка номзодлар ичида аёллар учун камида 30 фоиз квота ўринлари яратилишига доир норма қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилгани қайд этилди.

Россия Федерациясининг "Росатом" давлат корпорацияси ҳамкорлигида Ўзбекистонда атом электростанциясини қуриш бўйича амалга оширилаётган стратегик лойиҳа ва унинг аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Меҳмонлар томонидан Ўзбекистонда атом энергетикаси секторининг шаклланиши ва ривожланиши учун қонуний асосларни яратиш доирасида "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганига юқори баҳо берилди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувларда парламентлараро муносабатларни янада фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Якунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг Девони ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шунингдек, мартабали меҳмон мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Тошкентдаги Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди. Делегацияси аъзолари Ўзбекистон давлат академик рус драма театри, Президент мактаблари, Халқ қабулхоналари ва бошқа объектларга ташриф буюриб, соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Учрашувлар доирасида Ўзбекистон — Россия Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳамда икки давлат парламентлари юқори палаталари раисларининг ОАВ вакиллари билан учрашувлари ташкил этилди. Бундан ташқари, ташриф давомида делегация аъзоларининг Бухорога зиёрати ҳам режалаштирилган.

# Ҳамкорликни фаоллаштиришга оид «Йўл харитаси» тасдиқланди

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиясининг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тасдиқланган кун тартибига кўра, олий ва юксак даражадаги учрашувларда тузилган келишувлар ижросининг бориши кўриб чиқилди.*

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко кириш сўзи билан очиб берди.

Таъкидланганидек, комиссия аъзолари охирги йилларда Ўзбекистон ҳамда Россия ҳамкорлиги икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли сиёсий мулоқот туфайли тез суръатда ривожланаётир. Жумладан, Россия Федерацияси Президентининг ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи ва унда савдо-иқтисодиёт, энергетика, илм-фан, маданий-гуманитар, таълим, ижтимоий меҳнат соҳаларида икки мамлакат ҳамкорлиги тўғрисида қатор ҳужжатлар имзоланиши барча йўналишда муҳим туртки берди.

Мажлисда таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш масаласи алоҳида қизиқиш уйғотган мавзу бўлди. Комиссия ушбу масалани батафсил кўриб чиқиб, икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон ва Россия парламентларининг юқори палаталарига кўмаклашишга қарор қилди.

Туризм соҳасида ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, зиёрат туризми ташкил этилиши мажлис иштирокчилари эътибор қаратган кун тартибидаги яна бир масала бўлди. Олий Мажлис Сенатининг ва Федерация Кенгашининг ихтисослашган қўмиталарига Ўзбекистон Республикасига зиёрат туризмини ташкил этиш бўйича ахборот алмашишда ва аниқ турмаршрутларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш топширилди.

Муҳокама чоғида комиссия аъзолари турли даражада ташрифлар алмашиш орқали парламентлараро ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан аниқ таклифлар билдирди. 2020 йилги амалий тадбирлар режаси — "Йўл харитаси" тасдиқланди. Унда юксак даражадаги ташрифлар якунлари бўйича имзоланган битимлар ва эришилган келишувлар ижросининг ўз вақтида бажарилишини биргаликда мониторинг қилишга кўмаклашиш, савдо-сотиқ, инвестициялар ва туризм соҳасида ҳамда бошқа йўналишларда минтақалараро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Комиссия иши регламентига мувофиқ, унинг навбатдаги мажлисини 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Россия Федерациясида ўтказишга қарор қилинди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Парламентлараро комиссияси қарори ҳамда 2019-2020 йилларда Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасида икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир амалий тадбирлар режаси имзоланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИСИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ



1

Спортчиларимизнинг муваффақияти халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ, улар давлат мукофотлари билан тақдирланди, замонавий русумдаги автомобиллар топширилди.

Куни кеча пойтахтимизда Баҳодирнинг чемпионатда эришган ғалабаси, спортдаги ютуқлари яна бир карра эътироф этилиб, унга Президент совғаси — Тошкент шаҳрининг Қори Ниёзий кўчасида жойлашган уй-жойлардан бири тантанали равишда топширилди.

Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги мутасаддилари ҳамда боксчимизнинг оила-аъзолари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам катта туртки беради, ўз навбатида, ёшларни барча соҳада маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилишга ўргатади.

— Бундан уч йил олдин Президентимизга, албатта, жаҳон чемпиони бўламан деб ваъда бергандим, — дейди Баҳодир. — Бунинг уддасидан чиққаним зўр иш бўлди. Чемпионатдан қайтганимиздан бери халқимиз эъзозидамиз. Юртбошимиз томонидан менга яна бир совға — Тошкент шаҳридан уй-жой топширилишини катта қувонч билан кутиб олдик. Бундай ғамхўрлик мени, бизга ҳавас қилиб, "катта бўлсам мен ҳам боксчи бўламан" деяётган минглаб ёшларимизни, албатта, руҳлантиради. Бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан Токио Олимпиадасига ҳам муносиб тайёргарлик кўриб, юртимиз байроғини баланд кўтаришга ваъда бераман.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**«Сайлов — 2019»**

**«…Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир».**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасидан.

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ОДИМЛАРИ

# «ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ НУФУЗИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

←1



**Гусейн ГУЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

1. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши билан табриклаш имкониятини берганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Нафақат Озарбайжон, балки барча туркий тилли мамлакатлар табрикларимизга қўшилади, деб ўйлаймиз.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг Нахичеван Битимини ратификация қилиши Кенгаш салоҳиятини сезиларли даражада оширади ва бутун дунёда унинг аҳамияти ҳамда салмоғини мустаҳкамлайди.

Махсус ҳужжатнинг қабул қилиниши ва Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг Боку шаҳрида 15 октябрь куни бўлиб ўтадиган еттинчи саммитида иштироки нафақат Озарбайжон, балки барча туркий тилли мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Озарбайжон халқи ҳақида гап кетганда, уни ҳамиша қардош Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари қувонтирган ва қувонтирмоқда. Мамлакатларимизни анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради.

2. Дунё сиёсатида Ўзбекистон нуфузи яққол кўриниб турибди. Айниқса, Ўзбекистоннинг туркий дунёдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Минтақадаги бирор масала унинг иштирокисиз ҳал этилмайди.

Ўзбекистон Марказий Осиё юрагида жойлашган. У Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон билан чегарадош. Санаб ўтилган мамлакатларда кўплаб этник ўзбеклар яшайди.

Ўзбекистон барча қўшни мамлакатлар билан яқин алоқаларни ўрнатиб, уларни қўллаб-қувватлаб келяпти. Зеро, Ўзбекистон тарихий ва географик нуқтаи назардан минтақа ҳаёти фаолиятининг барча соҳасини бир-бирига боғлайдиган ҳалқадир. Мазкур феномендан минтақа фаровонлиги йўлида фойдаланилмоқда. Фикримча, замонавий Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати концепцияси айнан мазкур тамойиллар асосида қурилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакат ва умуман, минтақада узоқни ўйлаб олиб борилаётган сиёсат тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаяпти.

Ўзбекистон барча туркий давлатлар билан савдо ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича икки томонлама битимларга эга, аммо шу билан биргаликда Ўзбекистонда машинасозлик, маиший техникалар ишлаб чиқариш мисли кўрилмаган суръатларда ривожланяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш юқори даражада.

Ўзбекистон иқтисодиёти хом ашё ресурсларини сотишга боғланиб қолмаган. Агар туркий дунё билан интеграция Ўзбекистон томонидан белгилаб берилган режа бўйича амалга оширилса, у етказиб бериш ва логистикага кўп миллионли маблағларни сарфлаб, ўз маҳсулотларини узоқ мамлакатларга экспорт қилиши ёки зарур товарларни ташқаридан импорт қилишига ҳожат қолмайди. Зеро, туркий давлатларда Ўзбекистон учун зарур нарсаларнинг барчаси бор.

Марказий Осиё минтақасида 80 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди, агар буни Туркия ва Озарбайжон ҳисобига кенгайтирсак, қарийб 160 — 170 миллион нафарлик инсон салоҳияти юзага келади. Бу истеъмолчиларнинг улкан оммаси, демакки, ўзбек маҳсулотларини сотиш учун катта бозор деганидир.

**Ибрагим ЖУНУСОВ,**
**Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



1. Ўзбекистоннинг Кенгашга кириши, ҳақиқатан ҳам, қувончли янгилик. Бу ўтган йилнинг 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммитида илк бор ғоя сифатида шаклланган эди ва бугун ҳаётий воқеликка айланди. Эътиборлиси, тузилмага аъзо давлатлар мамлакат Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тўлақонли аъзолигини олишини қисқа муддатларда расмий тарзда қўллаб-қувватлади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши нуфузини оширишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, бу мамлакатларнинг ўзаро бирдамлик ва интеграцияга эҳтиёжи борлигидан дарак беради. Бинобарин, мазкур қарор қардош халқларимиз бирлигини яна бир бор тасдиқлаб, биргаликда иқтисодий юксалиш, маданий ўхшашлик, шунингдек, бепоён минтақамизда тинчлик ва барқарорликка интилишдек умумий мақсад сари биргаликда боришга тайёр эканлигимизни халқаро ҳамжамиятга намоён этди.

2. Мазкур тарихий воқеа асносида Ўзбекистон Республикаси Туркий Кенгаш фаолиятига янги нафас олиб киради, туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга хизмат қилади, 2018 йил Чўлпон ота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммитида имзоланган декларацияда белгилаб қўйилган йўналишларда аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик равнақига ижобий туртки беради.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томонидан бундай муҳим қарорнинг қабул қилиниши Кенгашга Қирғизистон раислик қилаётган ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими имзоланганлигининг 10 йиллиги нишонланаётган пайтга тўғри келгани жуда қувонарлидир.

Катта ва кўп миллатли Ўзбекистон тимсолида биз ўз ташкилотимизда чин дўст ҳамда сафдошни қабул қилиб олишимизга ишончим комил.

**Дархан САТИБАЛДИ,**
**Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

1. Ўзбекистон охирги уч йилда нафақат Қозоғистон жамоатчилиги, балки жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турганини эътироф этишни истардим. Мамлакатингизда олиб борилаётган ислоҳотлар турли, ҳам сиёсий, ҳам экспертлик ва ижтимоий даражаларда қизғин қизиқишга сабаб бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг республика Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига кириши тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимизда кўтаринки кайфият билан кутиб олинди. Қозоғистоннинг расмий баёнотида ҳам мазкур ташаббус қўллаб-қувватланди. Жумладан, Ўзбекистоннинг ушбу тузилмага аъзолиги туркий дунёда интеграцияни мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқларига олиб чиқиш учун хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистоннинг қарори мамлакатимиз учун Қозоғистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини англатади. Қолаверса, расмий Тошкент томонидан узоқни ўйлаб қўйилган ушбу қадам, ҳам Марказий Осиё, ҳам туркий тилли мамлакатлар жипслигига хизмат қилувчи ташқи сиёсат олиб борилаётганидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистоннинг Кенгашга кириши барқарорлик, яхши қўшничилик ва қардош туркий халқларнинг биргаликда иқтисодий ривожланиши учун платформа яратиш йўлида мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг тадрижий давоми саналади. Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил март ойида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувида бошланган эди. Зеро, у узоқ йиллар давомида минтақани бирлаштиришга қаратилган мана шундай форматдаги юқори даражали илк учрашувга айланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон фақат минтақавий даража билан чекланиб қолмай, дунёнинг илғор мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш учун имконият дарчаларини очяпти. Албатта, бу Ўзбекистоннинг Туркий Кенгаш ва бошқа бирлашмалар бўйича ҳамкорлари фойдасига хизмат қилади.

2. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзолиги, албатта, Кенгаш фаолиятига турли ўлчовларда ижобий таъсир кўрсатади ва уни фаоллаштиради. Марказий Осиёдаги барча давлатлар ва Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистоннинг иштироки ҳамкорлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Кенгаш фаолияти миқёсларини кенгайтириш, бирлашманинг минтақадаги аҳамиятини ошириш имконини беради. Бугун Ўзбекистоннинг дунёда нафақат чуқур ислоҳотларни амалга ошираётган, балки минтақавий, шу жумладан, хавфсизлик соҳасидаги жараёнларга фаол кириб бораётган давлат сифатидаги нуфузи юксаляпти. Фикримча, минтақавий хавфсизлик масаласини расмий Тошкентсиз муҳокама қилиш кутилган самарани бермайди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг тажрибаси ва имкониятлари бирлашма фаолиятига салмоқли ҳисса қўшади.

Қолаверса, бунинг иқтисодий аҳамияти Ўзбекистон учун ҳам, унинг шериклари учун ҳам жуда муҳимдир. Қайд этиш лозим, Қозоғистон ва Туркия Ўзбекистоннинг бешта йирик савдо шериги қаторидан жой олган. Бугун республикада амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар эса савдо ва инвестициявий алоқаларни кенгайтиришни тақозо этади. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашидаги иштирок ана шундай имкониятларни кенгайтиради. 2019 йил май ойида Нур-Султон шаҳрида Истанбулда доимий фаолият юритувчи Котибиятига эга бўлган Қўшма туркий савдо-саноат палатаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси туркий тилли давлатлар ишбилармонлик доиралари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдир. Шунингдек, Қозоғистоннинг 90 дан зиёд компаниялари 5 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий Кенгашга аъзо давлатлар Инвестиция форумида қатнашишни режалаштиряпти. Яъни ҳозирнинг ўзида биз ташкилотдаги ўзаро амалий алоқаларни ва унда Ўзбекистон фаол қатнашаётганини кўрмоқдамиз.



Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши мамлакатлари ўртасидаги транзит-транспорт коммуникациялари ривожи ҳам муҳим роль ўйнайди. Жорий йил июль ойида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида халқаро аҳамиятга эга бўлган “Бейнау — Акжигит — Ўзбекистон чегараси” автомобиль йўли очилди. Бу ўзбек маҳсулотларини Озарбайжон ва Туркия бозорларига чиқиши учун янада қисқа йўл беради. Туркия ва Ўзбекистон истеъмол бозорлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши мамлакатлари орасида энг йириклари ҳисобланади. Шундай экан, оптимал транспорт йўналишларини очиш эса бирлашманинг барча аъзоси учун кун тартибидаги муҳим банд саналади.

Кенгашда Ўзбекистоннинг иштироки гуманитар нуқтаи назардан ҳам табиий мантиқ касб этади. Ўзбекистон, том маънода, дунёнинг туркий мамлакатлари маданиятлари бешиги, илм-фан ва санъат, ҳунармандчилик маркази сифатида тан олинган. Ўзбек халқи ўзининг бой миллий ва маданий мулки билан дунё меросига бебаҳо ҳисса қўшган, қўшмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Туркий Кенгашга кирувчи мамлакатлар халқларини бир-бирларига янада яқинлаштирувчи туризм ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ҳам қўшимча имкониятлар тақдим этади.

**Меҳмет Сурейя ЭР,**
**Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

1. Аввало, Туркий Кенгаш деб номланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши 2009 йилда туркий халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ғояси асосида Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида ҳамда ундан ташқарида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилганини айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда мазкур Кенгашнинг халқаро майдонда аҳамияти ва самарадорлиги тобора кўпроқ сезилаётган минтақавий ташкилот даражасига етди. Евросиёнинг қоқ марказида жойлашган, тахминан 5 миллион квадрат километрлик жуғрофий майдонни ташкил этувчи Туркий Кенгашнинг асосий мақсади аъзо давлатларнинг кўплаб соҳаларда, шу жумладан, ташқи сиёсат, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, таълим, оммавий ахборот воситалари, ёшлар ва спорт соҳаларида ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат, деб шарҳлаш мумкин. Бошқа жиҳатдан, Кенгаш ташкил этилганидан бери Ўзбекистоннинг унга аъзо бўлмагани ушбу ташкилот олдидаги оғриқли масалалардан бири эди.

Жаноб Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Кенгаш аъзолигини ташкилотнинг муваффақияти ва мустаҳкамланиши нуқтаи назаридан муҳим ташқи сиёсий мақсад, деб билди. Бундан ташқари, ота юртимиз бўлмиш бу мамлакатда Президент раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва ислоҳотлар жараёнларини Туркия ҳаяжон ҳамда мамнуният билан кузатмоқда. Президент Мирзиёев раҳбарлигида биродар Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида конструктив қадамлар ташламоқда, шунингдек, Ўзбекистон ўз минтақасида ва ундан ташқарида глобал тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Қардош Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши аъзолигига кириши мамлакатимиз томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўрувчи давлат арбоби сифатида қабул қилган тарихий ва стратегик қарори, деб баҳоланди.

Туркия халқи давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг стратегик шериклик даражасига етишига қўшган ҳиссаси ва мамлакатимизга бўлган самимияти учун Президент Шавкат Мирзиёевга ўзгача ҳурмат билан қарамоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Кенгашга аъзо бўлиши халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Бу хушхабарни биринчи бўлиб Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу “Менда бугун жуда яхши хабар бор. Биродар Ўзбекистон ҳам Туркий Кенгашга қўшилишга қарор қилди. Улар расмий равишда Туркий Кенгаш котибиятига мурожаат қилишди. Бундан буён ташкилот минтақа миқёсида муҳим иштирокчига айланади”, деган сўзлари билан эълон қилди.

2. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон 33 миллиондан ортиқ ёш ҳамда динамик аҳолисига эга стратегик муҳим мамлакатдир ва Кенгашга аъзо бўлиши, энг аввало, ушбу тузилмани ҳам минтақавий, ҳам глобал даражада янги босқичга олиб чиқди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон иштирокида ушбу ташкилот шу пайтгача муҳим бўлиб турган камчиликни бартараф эта олди: энди у, том маънода, Туркий Кенгашга айланди. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг аъзолиги мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик даражасидаги муносабатларга, қолаверса, ташкилотнинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзининг бой тарихи, аҳолиси ва динамикаси билан Ўзбекистон Туркий Кенгашга салмоқли ҳисса қўшиши аниқ. Ўзбекистонни жалб қилган ҳолда, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши иқтисодиёт, таълим, ёшлар ва спорт, туризм ҳамда транспорт соҳаларида янада турфа ва самарали лойиҳаларни амалга ошириш учун ўзига хос салоҳиятга эга бўлади. Ўзбекистон иштирокида Туркий Кенгаш янада кучаяди. Шу сабабли ташкилот минтақавий ва глобал тинчлик, барқарорлик ва фаровонликка ҳисса қўшиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имконият ва мавқега эришди.



Ўзбекистон ҳар доим туркий дунёнинг марказий қисмларидан бири бўлиб келган. Қолаверса, у Буюк Ипак йўлидаги Самарқанд, Бухоро ва Хива каби ажойиб шаҳарлари билан Турк-Ислом тарихининг иқтисодий ва маданий бешиги ҳисобланади. Бундан ташқари, бой миллий ва тарихий мероси билан дунё цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган. Ўзбекистон бугунги кунда нафақат марказий жуғрофий жойлашуви ва ортиб бораётган имкониятлари билан ўзининг қардош мамлакатлари учун, балки бутун минтақани ривожлантириш учун янги имкониятларни таклиф қилмоқда. Биз Ўзбекистон ва бошқа туркийзабон давлатлар ўртасидаги асрий мустаҳкам қардошлик ришталари Туркий Кенгашнинг жипслаштирувчи байроғи остида янада мустаҳкамланишини кутмоқдамиз.

**«Халқ сўзи».**







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

*Давлатимиз раҳбари томонидан тараққиётимизнинг янги босқичида илгари сурилган “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғояси долзарблиги билан эътиборни тортади. Маълумки, жамият миллий юксалишининг чинакам ҳаракатлантирувчи кучи комил инсон, расо маънавиятдир.*

*Расо маънавият она тили, давлат тили билан рост бўлади.*

*Шу маънода Президентимиз кўрсатмалари асосида давлат тили, умуман, мамлакатимиздаги тил сиёсатини қонуний тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг замон ва кунимиз талабларига жавоб берадиган янги таҳририни тайёрлаш бўйича амалий ҳаракатлар бошлангани диққатга сазовордир.*

## Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Ўзбек тили курраи заминдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири саналади. Неча асрларким, бу тилда яратилган ақл жавоҳирлари ва бадиият дурдоналари ўзбек халқининг зариф заковатини бор бўйича намойиш қиладиган бетакрор обидалар сифатида дунё аҳлини лол қилиб келади. Ўзбек халқи талотумли тарихи яхлит йўлларининг мангу бардавомлиги, аждоду авлодлар ўртасидаги силсилавий ришталарнинг тириклиги айнан ўзбек тилида акс этади. Ўзбек тили ана шундай кўҳна ва матонатли тил сифатида ўзбек миллатининг бирлигини таъмин этади, бирдам қилади. Ўзбек тили давлат тили сифатида эса шу жаннатмонанд юртимиздаги халқларни мустақил мамлакат фуқаролари ўлароқ бир байроқ остида бирлаштиради. Албатта, ўз она тили билан бир қаторда, давлат тилини ҳам билиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Шуни унутмаслик лозимки, тил фақатгина алоқа воситаси эмас, унинг вазифалари бениҳоя ранг-баранг ва хилма-хилдир.

Тил айни пайтда дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Олмон алломаси Вильгелм фон Гумбольдт фикрича: “Тил халқ руҳининг зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан-да бир-бирига айнан мос бошқа бирор нарсани тасаввур қилиб бўлмайди”. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний эса “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, дейди. Мазкур ҳақиқатни қирғиз буюк адиби Чингиз Айтматов эса “Тил халқнинг автопортретидир” тарзида ифодалаган. Шундай экан, тил оламни билиш — идрок қилиш, кўриш, эшитиш ва англашнинг ҳам усули, ҳам воситасидир. Она тили ҳар бир миллат учун ана шундай ўзига хос усул ва восита сифатида бетакрор ҳамда қадрлидир, миллий ҳамият ва маънавиятнинг устуни сифатида ардоқлидир.

**ЖАМИЯТДА ОНА ТИЛИга эътибор ва эҳтиёжнинг мунтазамлигини таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Очиғини айтиш жоизки, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми унга бўлган эҳтиёжнинг ҳар бир фуқаро ҳаёти ва фаолиятидаги заруриятига мутаносибдир. Ўзбекчани билишнинг зарурлиги инглизча ёки бошқа тилни билишдай ижтимоий қадриятга — заруриятга айланиши лозим.**

Тил кўзгу сифатида мавжуд нарсаларни акс эттирибгина қолмай, айни пайтда ўша нарсани яратишда иштирок этади. Шунинг учун мазкур ифодаларни, хусусан, ундаги “кўзгу” сўзини ана шундай мазмуний тўлдириш билан тушуниш керак. Бу кўзгу тиниқ ва тийрак бўлмоғи учун она тили туйғусини, она сўз сезгиси ва бу мўъжизавий тилсим севгисини ҳар бир боланинг мурғак шуурига тошга ўйгандек сингдиришни имкон қадар эртароқ бошламоқ керак. Оила ҳам, боғча ҳам, ўрта таълим ҳам, олий таълим ҳам мазкур малаканинг мунтазам тарбияси ва такомили учун масъул эканлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Она тили дарси ҳар қандай таълимнинг ҳар қандай бўғинида етакчи унсур мақомини олиши мақсадга мувофиқ. Айни пайтда она тили тарғибига йўналтирилган турли рисолалар ва ўқув қўлланмаларига бўлган эҳтиёжни қондириш борасида ҳам амалий ишларни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Шу нарса ҳам ҳақиқатки, хорижий тилни билиш бугунги глобаллашган дунёда бениҳоя зарур, буни исботлашга уринишнинг ўзи мутлақо бефойда юмуш. Аммо аждодларимизнинг минг йиллик анъаналарида устуворлашган кўп тилни билишдек мўътабар ва мақбул бу фазилатга асло она тилини унутиш ҳисобига эришмаслик шарт. Лекин айрим ижтимоий тармоқларда баъзи “мутахассис”ларнинг “Бугун фан тили ҳам, халқаро мулоқот тили ҳам, маданият тили ҳам битта — инглиз тили. Рус тили бизга Россияда эркин нафас олиш имконини беради. Инглиз тили билан эса бутун дунёга эшикларни очамиз. Лекин бу билан инглиз тилига расмий мақом берайлик демоқчимасман. Шунчаки инглиз тилига асосий урғуни берайлик” қабилидаги мантиқсиз даъво-иддаолари на илмий, на миллий тамойиллар тарозисига тўғри келади. Ўзбек тилининг нафақат бугун, балки азалдан фан ва маданият тили бўлиб келганлигидан кўз юмиш ҳеч бир инсоф доирасига сиғмайди. Ўзбек тилининг ватани бўлмиш мустақил Ўзбекистонда айнан ўзбек тилига эмас, балки бошқа тилга “асосий урғуни бериш” “урғу” деган сўзнинг мувозанатини ишдан чиқармайдими?..

Жамиятда она тилига эътибор ва эҳтиёжнинг мунтазамлигини таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Очиғини айтиш жоизки, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми унга бўлган эҳтиёжнинг ҳар бир фуқаро ҳаёти ва фаолиятидаги заруриятига мутаносибдир. Ўзбекчани билишнинг зарурлиги инглизча ёки бошқа тилни билишдай ижтимоий қадриятга — заруриятга айланиши лозим. Турли бўғинлардаги айрим раҳбарларнинг давлат тили қолиб, бошқа тилларда нутқ ирод қилишлари, турли ташкилотлар ўртасидаги ёзишмаларнинг бошқа тилларда олиб борилиши каби номақбул ҳолатлар давлат тилининг ҳуқуқий ҳаракати ва фаолиятига соя соладики, бу ҳолатлардан тезроқ қутулиш бугунги куннинг талабидир.

Таълимда информацион технологиялар бениҳоя керакли воситалар ҳисобланади. Аммо улардан мактаб фанларини ўқитиш учун фойдаланишда меъёр зарур. Масалан, тил ва адабиёт дарсларида фақат электрон матнлардан фойдаланиш унча фойдали эмас. Боланинг китобга, қоғозли китобга бўлган муҳаббатини муаллақлаштирмаган маъқул. Американинг машҳур фантаст ёзувчиси Айзек Азимовнинг “Ўқитувчи одам бўлган экан” деган мўъжазгина ҳикояси бор. Унда 2050 йилда икки қардош ўқувчининг қоғозли китобни кўрмаганлиги, бундай китобни кўриб ва онасининг синф хоналари, ўқитувчининг дарс бериши ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, ўзларининг якка-якка ҳолатдаги робот-ўқитувчидан дарс ўрганишлари ҳолати билан таққослаб “Ўқитувчи одам бўлган экан” деб чексиз ҳайратга тушганлари тасвирланади. Ёзувчи табиий китоб ва ўқитувчига эҳтиёжни таъкидлагандай бўлади...

Бугун мамлакатимизда маънавият ва маърифат муаммоларига фавқулодда муҳим аҳамият берилмоқда, давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ишларни тубдан тартибга солиш нияти билан жиддий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Албатта, миллий маънавиятнинг ҳам, маърифатнинг ҳам тамалида, заминида, энг аввало, она тили ётади.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент давлат стоматология институти**

**2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул эълон қилади.**

Таянч докторантурага — 14.00.21 — стоматология ихтисослиги бўйича — 6 ўрин.

Докторантурага — 14.00.21 — стоматология ихтисослиги бўйича — 1 ўрин.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги № 304-сонли қарори талабларига биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари қатнашиши мумкин.

Ҳужжатлар электрон тарзда http://phd.mininnovation.uz веб-сайти орқали ёки қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй, ТДСИ илмий бўлими.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача, ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача, якшанба ва байрам кунларидан ташқари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 97-770-80-73

Илмий бўлим бошлиғи: У. Шукурова

QISHLOQQURILISHBANK

***«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки юртдошларимизга миллий валютадаги қуйидаги омонат турларини таклиф этади:***

***«Барака».***
*Омонат муддати — 19 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 23 %.*

***«Фаровон».***
*Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 21 %.*

***Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.***

***Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**



*Мурожаат учун телефонлар: 78-150-72-58, 78-150-93-39*

**www.qqb.uz**

**Хизматлар лицензияланган.**

**Uzkimyosanoat** **«Ўзкимёсаноат» АЖ танлов эълон қилади.**

**«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти томонидан жамият низомида белгиланган фаолият турларини амалга оширишда, тарғибот ва ахборот материалларида асосий индентификатор сифатида фойдаланиладиган замонавий, оригинал ҳамда осон таниладиган логотипни яратиш мақсадида ташкилотнинг логотипи ва шиори учун танлов эълон қилади.**

Танлов ҳақидаги маълумотлар www.uzkimyosanoat.uz сайтининг Тендер ва конкурслар бўлимида мавжуд.
Маълумот учун телефон рақами: 78-140-74-77, электрон почта манзили: logo@uks.uz

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги шартларни бажариш лозим:**
1. Танловнинг низоми ва техник шартлари билан танишиш.
2. Янги ишлаб чиқилган логотип ҳамда шиорнинг намунасини тақдим этиш.
3. Танловда қатнашиш учун ариза тўлдириш, график файл, матн тавсифи, шунингдек, алоқа учун маълумотларни logo@uks.uz электрон манзилига юбориш.

Таклифлар «Ўзкимёсаноат» АЖ масъул ходимларидан иборат бўлган комиссия томонидан кўриб чиқилади.

**Логотип ва шиор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**
— «Ўзкимёсаноат» АЖ мақсад ва вазифалари ҳамда Ўзбекистон кимё саноати қадриятларини акс эттириши;
— логотипнинг босма ва босма бўлмаган тарғибот материаллари, корпоратив совғаларда фойдаланиш учун мос бўлиши;
— логотипнинг кўриниши инновацион бўлиши (янги логотип амалдаги логотипга ўхшаш бўлмаслиги керак).

Комиссия маълум миқдордаги энг яхши ишларни танлаб олади ва финалга йўлланма олган иштирокчилар ўртасида танлов ўтказади. Финалга чиққан иштирокчиларнинг ишлари, танлов натижалари ҳамда танлов якуни бўйича ғолиблар ташкилотнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

***Танловда қатнашиш бўйича таклифлар 2019 йилнинг 16 октябрига қадар қабул қилинади. 2019 йилнинг 16 октябридан кеч топширилган аризалар танловда иштирок этмайди.***

**«C and H Industry» МЧЖ ХК**
**Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг**

***Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:***

*Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).*
*Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).*

**Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.**

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**

Ғилдиракли экскаваторлар | Занжирли экскаваторлар



**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)**

фронтал юклагичлар | Экскаватор-юклагичлар | Автогрейдерлар | Катоклар



***Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.***

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
**Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 46 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6